

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН  
ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**АСАДОВ РУСТАМ МУМИНОВИЧ**

**ИНГЛИЗ ТИЛИ СОДДА ГАП ҚУРИЛМАЛАРИДА МОНОВАЛЕНТЛИ ВА  
ПОЛИВАЛЕНТЛИ КОМПОНЕНТЛАРНИНГ СИНТАКСЕМ ТАҲЛИЛИ**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертация автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on philological sciences**

**Асадов Рустам Муминович**

Инглиз тили содда гап курилмаларида моновалентли ва поливалентли  
компонентларнинг синтаксем таҳлили ..... 3

**Асадов Рустам Муминович**

Синтаксемный анализ моновалентных и поливалентных компонентов в структуре  
простого предложения в английском языке ..... 25

**Asadov Rustam Muminovich**

Syntaxeme analysis of monovalency and polyvalency components in simple sentences  
of the English language ..... 48

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 52

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН  
ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**АСАДОВ РУСТАМ МУМИНОВИЧ**

**ИНГЛИЗ ТИЛИ СОДДА ГАП ҚУРИЛМАЛАРИДА МОНОВАЛЕНТЛИ ВА  
ПОЛИВАЛЕНТЛИ КОМПОНЕНТЛАРНИНГ СИНТАКСЕМ ТАҲЛИЛИ**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2017.3.PhD/Fil.228 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси [www.tashgiv.uz](http://www.tashgiv.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Усмонов Ўрал Усмонович**  
филология фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Сиддиқова Ирода Абдузухуровна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Эргашева Гули Исмоил қизи**  
филология фанлари номзоди

**Етакчи илмий муассаса:**

**Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат ўзбек тили ва адабиёти университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллар университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: [sharq\\_ilmiy@mail.ru](mailto:sharq_ilmiy@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.М.Маннонов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Қ.П.Содиқов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., профессор

**Г.Х.Боқиева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон лингвистика фанидаги тадқиқотларда анъанавий синтаксиснинг баҳсли масалаларини тизимли ўрганиш, валентлик назариясининг моҳиятини ёритишдаги семантик, лексик ва стилистик ёндашувларни бир-биридан фарқлаш, шунингдек, инглиз тили содда гап қурилмасида моновалентли ва поливалентли синтактик бирликларни аниқлаш тамойиллари каби муаммоларни ҳал этиш масаласида кенг кўламли тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, валентлик назариясининг турли масалаларига бағишланган кўпчилик тадқиқотларда муаммо феълнинг лексик-семантик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ этилган. Ушбу масалани тилдаги синтактик ва семантик сатҳ нуқтаи назаридан атрофлича ёритиш эҳтиёжи бу хусусда янгича ёндашувлар асосида тадқиқотлар олиб бориш заруратини ҳамда мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

Дунё тилшунослигида тилнинг фонологик, лексик ва семантик қатламлари билан бир қаторда синтактик валентлик ва синтактик бирликларнинг семантикасини аниқлаш борасида ҳам илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Лингвистикада муҳим аҳамиятга эга бўлган синтактик сатҳда валентлик назариясига турли хил ёндашувлар мавжуд. Шу нуқтаи назардан тилшуносликда ечимини кутаётган муаммолардан бири, яъни инглиз тили гап қурилмаларининг парадигматик ва синтагматик йўналишларида валентликни аниқлаш, гапларни синтактик валентлик асосида таҳлил қилиш ва синтактик бирликларнинг семантикасини очиб бериш каби устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилиши зарур.

Ўзбек тилшунослигида ҳам валентлик назарияси бўйича тил сатҳлари доирасида тадқиқотлар асосан феълнинг лексик хусусиятларига таянган ҳолда олиб борилган. Тил бирликларининг лексик ва семантик валентлигининг ўрни ва аҳамиятини ўрганишда жиддий ютуқларга эришилган бўлса-да, синтактик сатҳда валентлик борасидаги монографик ишлар нисбатан камчиликни ташкил қилади. Шунингдек, гапни бўлакларга ажратиб таҳлил қилиш анъанавий усули ўзини тўлиқ оқламаётганлиги сабабли синтактик таҳлилнинг янгича усулларида фойдаланиш эҳтиёжи мавжуд. Мазкур тадқиқот ишида синтактик сатҳда ҳар қандай мустақил сўз туркуми валентликка эга бўлиши мумкинлиги ҳақидаги қарашнинг моҳиятини гап таркибини замонавий тадқиқ методлари, яъни компонентларга ва синтаксемаларга ажратиш (моделлаштириш), трансформациянинг турли хил усулларида фойдаланиш орқали очиб бериш долзарб муаммолар сирасига киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 7 февralидаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳақида»<sup>1</sup>ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 16 февралдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-4958-сон Фармони, Ўзбекистон

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони / Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль. - №28.

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 8 августдаги «Таълим муассасаларида чет тилини ўқитишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари ҳақидаги»ги қарорида, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон тилшунослигида валентлик назарияси тилшунос-олимларнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Жумладан, рус тилшуносларидан С.Д.Кацнельсон, Ю.Д.Апресян, В.В.Бурлакова, С.М.Панкратова, С.М.Кибардина, А.М.Пешковский, М.Д.Степанова, Е.В.Разова, М.В.Влавацкая<sup>2</sup> ва бошқалар, Европа тилшуносларидан G. Helbig, L.Tesniere, G.Zandau, К.Э.Зоммерфельдт, Е.Р.Logoceva, G.Johanna, L.Gaeta, M.Cennamo, T.Herbst, S.Schuller, S.Luraghi, E.Sausa, A.Malchukov, B.Comrie, J.Panevova<sup>3</sup>ларнинг ишларини алоҳида таъкидлаш лозим. Шунингдек, ўзбек тилшунос-олимларидан А.А.Абдуазизов, Ш.С.Сафаров, Н.Қ.Турниёзов, И.К.Қўчқортоев, Р.Расулов, А.Нурмонов, С.Х.Мухамедова, М.М.Миртожиев, У.И.Юлдашева, Ш.А.Ганиеваларнинг<sup>4</sup> валентлик борасидаги ишлари ҳам диққатга сазовор. Мазкур олимлар валентликни тилнинг турли сатҳларида ўрганишга ҳаракат қилишган.

Гапни компонентлар ва синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилиш жараёнининг синтактик сатҳ миқёсидаги таҳлилини тилшунос-олимлар А.М.Мухин, Ў.У.Усмонов, Ш.С.Ашуров, Д.Т.Кубейсинова, М.Р.Жоллыбекова,

<sup>2</sup> Кацнельсон С.Д. К понятию типов валентности // Вопросы языкознания. 1987.- №3. – С.20-32.; Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. Синонимические средства языка. Перевод на польский язык второго дополненного издания. Wrocław – Warszawa – Kraków: Ossolineum, 2000.-216с.; Бурлакова В.В. Основы структуры словосочетания в современном английском языке. – Ленинград: ЛГУ, 1975.-216с.; Степанова М.Д. Валентность в синтаксеме и в словообразовании немецкого языка. – Москва: Высшая школа, 1983.-106с.; Разова Е.В. Семантика и валентность разрушения в современном немецком языке. Автореф. дисс. канд. филол. наук: Вологда, 2003.-25с.

<sup>3</sup> Helbig G. Probleme der Valenztheorie. – Leipzig, 1970.-241s.; Теньер Л. Основы структурного синтаксиса. Перевод с франц. – Москва: Наука, 2007.-670с.; Зандау Г., Зоммерфельдт К.Е Семантические условия факультативности реализации валентности // Иност. яз. в шк., 1972 – № 2 – С.21-27; Logaceva E.P. Grundfragen der Valenz theorie (Zu Strategie und Taktik des Deutschen Satzes) // DAF. #2, 1990. – S.65-71; Herbst T., Schüller S. Introduction to Syntactic Analysis: A Valency Approach. – Tübingen: Narr. 2008.-240s.

<sup>4</sup> Абдуазизов А.А. О фонологической валентности // Филологиянинг долзарб муаммолари. – Тошкент, 2008. – С.14-21.; Сафаров Ш.С. Принципы системно-семантического анализа синтаксических единиц. – Ташкент: ТГПИ, 1983.- 98 с.; Турниёзов Н.Қ. Ўзбек тили структурал синтаксисига кириш. – Самарқанд: СамДУ, 1989.-76б.; Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. – Тошкент, 1989.-82б; Расулов Р. Умумий тилшунослик. – Тошкент, 2013. – Б.258-261.; Нурмонов А. Тилни системали ўрганиш ва синтаксиснинг айрим мунозарали масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти – Тошкент, 1988. – Б.22-26.; Мухамедова С. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлари. Филол.фан.док-ри... дис. автореф. – Тошкент, 2007.-22б.; Юлдашева У.И. Семантико-синтаксическая структура предложений с двухвалентными глаголами в русском и узбекском языках. Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Худжанд, 2006.-23с.; Ганиева Ш.А. Ўзбек тилидаги фразеологик бирликларнинг валентлиги ва уларнинг воқеланиши // ФДУ. Илмий хабарлар. – Фарғона, 2009. – №1. – Б.32-35.

М.Облақулова<sup>5</sup>ларнинг илмий тадқиқотларига таянган ҳолда амалга ошириб, синтактик валентликни қуйидагича аниқладик: бунда содда гап таркибида феълнинг қандай шакли бўлишидан қатъи назар бир синтактик алоқа асосида иштирок этган синтактик бирлик (бунда сўз туркумининг аҳамияти йўқ) – бир валентли, икки синтактик алоқа асосида иштирок этган синтактик бирлик – икки валентли, уч синтактик алоқа асосида иштирок этган синтактик бирлик – уч валентли компонент ҳисобланади. Тилшуносликда синтактик таҳлил бўйича кўплаб ишлар амалга оширилган бўлса-да, масалага ёндашувлар нуқтаи назаридан бизнинг ишимиз мавжуд тадқиқотлардан фарқ қилади. Ушбу тадқиқотда гап қурилмасида синтактик бирликларнинг дифференциал синтактик, синтактик-семантик белгиларини ва муайян синтактик алоқалар асосида бошқа синтаксемалар билан бириктириш имкониятларини аниқлашга эътибор қаратилган. Синтактик таҳлилдаги анъанавий гап бўлакларига ажратиб таҳлил қилиш ўзини тўлиқ оқламаётганлиги сабабли мазкур тадқиқот ишида синтактик таҳлилнинг янгича усулларидан, яъни компонентларга ва синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилиш методидан фойдаланилди. Компонентларга ажратиб таҳлил қилишда моновалентли ва поливалентли элементлар гапларнинг ташқи қурилмасини ташкил қилади. Синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилишда эса моновалентли ва поливалентли элементлар гапларнинг ички қурилмасини қамраб олади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот Самарқанд давлат чет тиллар институти «Инглиз тили назарий грамматикасининг долзарб муаммолари», «Инглиз тилининг назарий грамматикаси», «Лингвистик тадқиқот методлари», «Гапнинг ташқи ва ички қурилмаси муаммолари ва уларнинг қиёсий типологияда тутган ўрни» мавзуларидаги инновацион илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** синтактик сатҳда валентлик назариясига аниқлик киритиб, инглиз тили содда гап таркибидаги моновалентли ва поливалентли компонентларни синтактик алоқалар базасида юнкцион моделлар ёрдамида аниқлаш, компонентларга ва синтаксемаларга ажратиш ҳамда улар ифодалаган синтаксемаларни жадвалларда ёритиб беришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

синтактик сатҳдаги валентлик назариясига аниқлик киритишда структурал синтаксисдаги синтактик алоқаларнинг аҳамиятини очиқ бериш;

инглиз тили содда гап қурилмасида моновалентли ва поливалентли компонентларни юнкцион моделлар асосида аниқлаш;

---

<sup>5</sup> Мухин А.М. Функциональный синтаксис. Функциональная лексикология. Функциональная морфология. –СПб, 2007.-198с.; Усмонов Ў.У. Гап таҳлиliga янгича ёндашув // Халқаро илмий-назарий анжуман (СамДЧТИнинг 10 йиллигига бағишланади). – Самарқанд, 2004. – Б.105-108.; Ашуров Ш.С. Инглиз ва ўзбек тилирида кесим типологияси. Филол. фан. номзод. дисс. – Самарқанд, 2007.-153б.; Кубейсинова Д.Т. Синтаксико-семантические особенности личных местоимений в структуре предложений современного английского языка: Дисс. канд. филол. наук. – Нукус, 2008.-151с.; Жоллыбекова М.Р. Типология неполных предложений диалогической речи в разносистемных языках (на материале английского и каракалпакского языков). Дисс. канд. филол. наук – Нукус, 2008.-156с. Облақулова М.М. Инглиз тили гап структурасида феълнинг шахсиз шакларининг функционал таҳлили. Фил. ф. фал. док. дисс. автореф. – Тошкент, 2017.-20б

моновалентли ва поливалентли компонентларнинг гап қурилмасидаги дистрибуциясини аниқлаш ва таснифлаш; уларни бир-биридан фарқлаш тамойилларини ишлаб чиқиш;

моновалентли ва поливалентли компонентларнинг гапда иштирок этиш жараёнида бошқа компонентлар билан боғланган синтактик алоқаларини аниқлаш ва уларни юнкцион моделлар ёрдамида ифодалаш;

моновалентли ва поливалентли элементлар иштирок этган гапларнинг компонент таркибини ва уларнинг морфологик хусусиятларини компонент моделлар асосида тавсифлаш;

моновалентли ва поливалентли компонентларнинг дифференциал синтактик-семантик белгиларини ҳамда ушбу синтактик бирликлар иштирок этган гапларнинг синтаксем таркибини ёритиш;

моновалентли ва поливалентли синтактик бирликлар ифодалаган синтаксемаларнинг аниқланган синтактик алоқалар асосида бошқа синтаксемалар билан бирикиш имкониятларини ва уларнинг вариантларини таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг объектини** инглиз тили содда гап қурилмасида моновалентли ва поливалентли синтактик бирликлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** инглиз тилида моновалентли ва поливалентли синтактик бирликлар иштирок этган содда гапларни компонентларга ва синтаксемаларга ажратиб тадқиқ қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда трансформация (ҳар хил турлари) методлар, таққослаш, дистрибутив, моделлаштириш ҳамда компонент ва синтаксем таҳлил қилиш методларидан фойдаланилди.

#### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

моновалентли ва поливалентли компонентларнинг содда гап синтактик сатҳидаги ўрни аниқланган ва бу позицияга кўра уларнинг бошқа компонентлар билан синтактик алоқалари юнкцион модел ёрдамида очиб берилган;

инглиз тили содда гап қурилмаларида синтактик сатҳдаги валентлик тушунчасига аниқлик киритилиб, синтактик валентликни аниқлаш тамойиллари ишлаб чиқилган;

содда гап таркибида иштирок этган синтактик бирликларнинг дифференциал синтактик-семантик белгилари субстанциаллик, процесуаллик, квалификативлик каби категориал ва нокатегориал белгилар асосида гапларнинг синтаксем таркибини очиб бериш орқали аниқланган;

содда гап таркибида моновалентли ва поливалентли компонентларнинг синтактик ўрнига кўра ифодалаган синтаксемаларининг ҳар бири синтактик сатҳда алоҳида тил материали сифатида тадқиқот объекти бўлиши мумкинлиги асосланган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

инглиз филологияси факультети юқори курс талабалари ҳамда магистрантлари учун инглиз тилини ўқитиш амалиётидаги назарий грамматиканинг долзарб масалалари, функционал синтаксис бўйича махсус курсларда гапнинг ички ва ташқи қурилмаларини ўрганиш тизими ишлаб чиқилган;



инглиз тили содда гап таркибида моновалентли ва поливалентли синтактик бирликларнинг ўзаро муносабати ва улар ифодалаган синтаксемаларни кўргазмалар тарзда ўрганиш учун гапларнинг ҳар хил (юнкцион, компонент ва синтаксем) моделлари тақдим этилган, жумладан, ишда очиб берилган синтаксемалар компьютер лингвистикасида автомат таржима учун асос бўлиши мумкинлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг таснифланиши, аниқ лингвистик методлар орқали таҳлил қилишга асосланганлиги, ишончли назарий манбалар ҳамда илмий адабиётлардан фойдаланилганлиги, аниқ бадий асарлардан мисоллар йиғилганлиги, назарий ва амалий тадқиқотлардан олинган натижаларнинг ўзаро мувофиқлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти валентлик назариясининг тил сатҳларида намоён бўлиш хусусиятларига аниқлик киритилиб, синтактик сатҳда тил бирликларининг валентлигини белгилашда синтактик алоқаларнинг роли муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб бериш ҳамда гаплардаги синтактик алоқалари юнкцион моделлар ва компонентларнинг дифференциал синтактик белгилари ва ифодаланиш усуллари компонент моделлар ёрдамида ёритилиши орқали гап таркибида иштирок этган синтактик бирликларнинг семантикаси функционал синтаксис нуқтаи назаридан очиб берилишида намоён бўлади. Инглиз тили содда гап таҳлиliga бу йўсинда ёндашиш назарий грамматикаларда учрайдиган айрим баҳсталаб муаммоларнинг ечимини топишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти лингвистик методлар асосида таҳлил қилишда бакалаврият талабаларига «Назарий ва амалий грамматика», магистрантларга «Назарий грамматиканинг долзарб муаммолари», «Лингвистик методлар», «Таржима назарияси», «Қиёсий типология», «Синтактик-семантика» каби фанлардан махсус курс ва семинар машғулотларида ҳамда мазкур соҳалар бўйича ўқув, услубий қўлланмалар, дарсликлар яратиш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Инглиз тили содда гап қурилмаларида моновалентли ва поливалентли компонентларни синтаксем тадқиқ этиш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

инглиз тили содда гап қурилмаларини моделлаштириш ва синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилиш усулларида олинган натижаларидан ОТ-Ф8-062 рақамли «Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари» фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 9 февралдаги 89-03-633-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларини жорий қилиш мазкур лойиҳа доирасида нашр этилган «Структур синтаксис асослари» монографиясида синтактик бирликларнинг категориал ва нокатегориал белгиларини аниқлашга хизмат қилган;

синтактик валентликни аниқлашда қўлланилган юнкцион ва компонент моделлардан QAPD 530786-TEMPUS-1-2012-1-NL-TEMPUS-SMHES рақамли

TuСАНЕА – «Марказий Осиё олий таълим кенглигини яратиш йўлида структурал адаптация ва таълим сифатини ошириш» номли инновацион тадқиқотлар лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 9 февралдаги 89-03-633-сон маълумотномаси). Натижада мазкур лойиҳа доирасида ўқитувчилар касбий маҳоратини ошириш, таълим тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган услубий қўлланмалар ва ўқув дастурлари яратишга хизмат қилган;

тадқиқотда ишлаб чиқилган категориал ва нокатегориал белгилар ва синтаксемалардан олинган натижалардан Ўзбекистон Ветеринария илмий-тадқиқот институти томонидан 2010-2012 йилларда амалга оширилган USDA CRDF UZB-2-31021-TA-09 рақамли «Идентификация возбудителей пастереллёза крупного рогатого скота, создание вакцины против пастереллёза и испытание её эффективности в условиях производства» номли хорижий грантида ҳамда 2015-2017 йилларда олиб борилган KOIKA Uzbekistan project «Ҳайвонлар ва одамларда эхинококкоз касаллигининг олдини олиш ва қарши курашиш» мавзусидаги илмий-амалий тадқиқот лойиҳалари доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси давлат ветеринария қўмитасининг 2018 йил 26 мартдаги 02/13-260-сон маълумотномаси). Натижада расмий ва норасмий матнларни инглиз тилидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилишда тўлиқ муқобилликка эришишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот иши натижалари 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш нашр қилинган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, 1 та хорижий илмий журналда, 3 та хорижий конференция тўпламларида ва 6 та республика илмий-амалий анжуманлари тўпламларида эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, боблар бўйича хулосалар, умумий хулосалар, фойдаланилган назарий ва бадий адабиётлар рўйхати ҳамда ишда фойдаланилган шартли белгилар ва қисқартмалар изоҳидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 157 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи боби «Тилшуносликда синтактик валентлик назарияси» деб номланади ва у икки бўлимдан иборат бўлиб, диссертация мавзусига оид назарий маълумотлар ва йиғилган эмперик материаллар асосидаги фикрлар баён қилинган. Биринчи бўлим синтактик сатҳда валентлик тушунчасининг назарий масалаларига бағишланади. Иккинчи бўлимда эса структурал синтаксисда синтактик алоқалар масаласи ўрганилади. Тилшуносликда валентлик тушунчаси биринчи марта рус тилшунос олими С.Д.Кацнельсон томонидан ишлатилиб, қуйидагича изоҳланади: «Сўзнинг гап қурилмасида иштирок этиш жараёнида бошқа сўзлар билан маълум комбинация асосида бирикиши валентлик деб аталади»<sup>6</sup>. Шундан буён рус тилшунослари С.Д.Кацнельсонга, Европа тилшунослари эса Л.Теньерга эргашган ҳолда валентликни аниқлашга ҳаракат қилиб келмоқда. Л.Теньер валентликни аниқлашда «вербоцентризм» концепциясидан келиб чиқиб феълларни асосан тўрт гуруҳга бўлган:

1) нолга тенг валентли феъллар: бу гуруҳга *to drizzle, to rain, to snow, to freeze* каби феълларни киритган.

2) бир валентли феъллар – ўтимсиз: *to doze, to travel, to bark, to blink, to cough, to faint* каби феълларни киритган.

3) икки валентли феъллар – ўтимли: *to answer, to attack, to begin, to grow, to keep, to love* каби феълларни киритади.

4) уч валентли феъллар: *to say, to tell, to give, to present* кабилар ҳисобга олинади<sup>7</sup>.

Бу тасниф асосан иштирокчилар иерархиясига таянилган: эга – биринчи, воситасиз тўлдирувчи – иккинчи, воситали тўлдирувчи – учинчи иштирокчилар ҳисобидан валентлик сони аниқланган, ҳол эса назардан четда қолган. Л.Теньер томонидан берилган таъриф бўйича феъл асосида 20 тагача валентликка эга бўлиши мумкин деган ғоя илгари сурилган.

И.Эрбен эса гап қурилмасида нафақат эга ва тўлдирувчи, балки ҳол, предикативли аниқловчи ва предикативлар ҳам феъл валентлигини аниқлашга ёрдам беради, деб содда гапни тўрт моделга бўлади:

1) бир валентли феълли: *the woman is napping.*

2) икки валентли феълли: *the cat caught a mouse.*

3) уч валентли феълли: *the mother teaches her daughter to sew.*

4) тўрт валентли феълли: *the father is writing a letter to his son with the pen*<sup>8</sup>.

Келтирилган мисолларда ҳам асосан феълга боғланиб келган субъект ва объектлар сонидан валентлик аниқланган.

Х.Л.Сомерснинг фикрича, «...валентликка фақат феъл доирасида ёндашиш, у бошқарадиган тўлдирувчилар сони билан чекланади, бу эса валентлик назариясини тўлиқ асослай олмайди»<sup>9</sup>. Бундан ташқари, профессор А.М.Мухин: «Феълни ҳар доим гапнинг структур маркази деб қараш айрим ноаниқликларга

<sup>6</sup> Кацнельсон С.Д. О грамматической категории // Вестник ЛГУ, 1948. №2. – С.130-138.

<sup>7</sup> Теньер Л. Основы структурного синтаксиса. Перевод с франц. – Москва: Наука, 2007.-670 с.

<sup>8</sup> Erben J. Abriss der Deutschen Grammatik. 9. Unverändert. Auf 1 – Berlin, 1966.-316s.

<sup>9</sup> Somers H.L. On the Validity of the Complement – adjunct distinction in Valency Grammar // Linguistics, 1984. – V.22. – № 4. – P.113.

олиб келади: биринчидан, феълнинг шахссиз шакллари синтактик бирлик ҳисобланавермайди, улар гап қурилмасида ички синтактик алоқалар ёрдамида иштирок этсагина синтактик бирлик бўла олади. Бу гап от ва сифатга ҳам таъллукли; иккинчидан, инглиз ёки рус тиллари мисолида феълсиз гаплар ҳам мавжудки, феъл гапнинг маркази деган ёндашув нуқтаи назаридан бундай гапларда валентликнинг ечимини топиш асло мумкин эмас; учинчидан, гап қурилмасида валентлик тавсифидан ташқари, феълларнинг лексик бирикиш хусусиятлари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг луғатларда берилган маъносини ҳисобга олмасдан валентлик ҳақида гапириш қийин»<sup>10</sup>, деб таъкидлайди.

Н.М.Юликова гап қурилмасида локатив синтаксемаларни тадқиқ қилар экан, у ҳам феълнинг лексик-семантик гуруҳига таяниб бундай бирикишни «кучли валентлик ва кучсиз валентлик»ка ажратади:

1) *We lived in the same house* (FJE, 110).

2) *He looked for his friend in London.*

Биринчи гапда локатив синтаксема *in the ... house* кучли валентлик ҳисобланади, чунки у бевосита феъл билан боғланган. Иккинчи гапда эса локатив синтаксема *in London* феълдан узоқда жойлашгани сабабли кучсиз валентликдир<sup>11</sup>.

Ўзбек тилшунослари ҳам синтактик сатҳда валентликни аниқлашда вербоцентризмга таянади. Жумладан, Ш.А.Ғаниева фразеологик бирликлар доирасида валентликни ўрганган ва синтактик валентликни фразеологик бирликларнинг шаклий-семантик нуқтаи назардан субъект, объект, локатив, темпорал, каузал валентлик кабиларни фарқлаган<sup>12</sup>.

Юқорида мисол тариқасида келтирилган гапларни валентлик нуқтаи назаридан бу йўсинда таҳлил қилишнинг сабаби, гап қурилмасида иштирок этган синтактик бирликларни синтактик сатҳда ўзаро боғлайдиган синтактик алоқаларнинг атрофлича тадқиқ қилинмаганлигидадир. Валентлик ҳодисасини функционал-синтаксис сатҳида, гап қурилмасида феълга ёки кесим вазифасида келган синтактик бирликка таяниб бир ёки икки валентли, кўп валентли, облигатор ёки факультатив валентли, кучли ва кучсиз валентли компонентларга ажратиш аниқ лингвистик методлар асосида пухта ёритилмаса, ҳар қандай тадқиқотчи валентликни синтактик сатҳда атрофлича ифодалашга ожизлик қилади. Бу хусусда Ў.У.Усмонов: «Гап қурилмасида иштирок этган синтактик бирликларни гап бўлақларига ажратиб таҳлил қилиш эмас, балки компонентларга ва синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилиш синтактик таҳлилнинг асосий моҳиятини очиб беради»<sup>13</sup>, деган мулоҳазани билдиради. Ҳақиқатан ҳам, гап қурилмасини компонентларга ажратиб таҳлил қилганда гап таркибини синтагматик йўналишда ҳамда синтактик бирликларнинг ўзаро алоқаларини юнкцион моделларда ва уларнинг дифференциал-синтактик белгилари ҳамда

<sup>10</sup> Мухин А.М. Валентность и сочетаемость глаголов. Вопросы языкознания, № 6. – Москва, 1987. – С.52-58.

<sup>11</sup> Юликова Н.М. О локативной валентности переходных и непереходных глаголов // Функционально-семантические аспекты грамматики. Лингвистические исследования, 1987. – Москва, 1987. – С.213-220.

<sup>12</sup> [www.colloquium-publishing.ru/library/index.php/UCH21VEK/article/view/899](http://www.colloquium-publishing.ru/library/index.php/UCH21VEK/article/view/899) (December, 2017)

<sup>13</sup> Усмонов Ў.У. Гап таҳлиliga янгича ёндашув // Ҳалқаро илмий-назарий анжуман (СамДЧТИнинг 10 йиллигига бағишланади). – Самарқанд, 2004. – Б.105-108.


морфологик хусусиятларини компонент моделларда кўргазмали равишда ифода этиш зарур.

Умуман, анъанавий грамматикада гап таҳлилида бош ва иккинчи даражали бўлақлар муаммо бўлиб келмоқда ва ўзини оқламаяпти. Синтактик алоқалар муаммоси бўлган бошқарув, битишув, мослашувларни тилшунослар синтактик алоқа деб таъкидлаб келишади, лекин мазкур алоқаларни тил сатҳларида қарайдиган бўлсак, мослашув морфологик, битишув ва бошқарув лексик алоқа эканлиги аён бўлади. Чунки мослашув асосан тилнинг морфологик сатҳида намоён бўлади. Шу боис мослашув морфологик алоқадир. Битишувга берилган таърифларда сўз бирикмалари сатҳида эргаш ёки тобе сўзнинг бош ёки ҳоким сўз билан грамматик воситаларсиз, фақат ўрнига, оҳангига ва маъносига кўра бирикишига айтилади. Битишув алоқада тобе компонент ҳоким сўз билан маъно жиҳатдан боғланадиган бўлса, у синтактик алоқа эмас, балки лексик алоқадир. Бошқарувга сўз бирикмалари ёки гап қурилишида қаралганда, унинг феълга хос ҳодиса эканига эътибор қилмоқ лозим бўлади. Сўз бирикмалари таркибида ўтимли феъл келса, у албатта, ўзига объект талаб қилади ва ўша объект ўтимли феъл томонидан бошқарилади, агар ўтимсиз феъл бўлса, у ўзига объект талаб қилмайди. Бу таърифдан маълум бўладики, бошқарув лексемаларнинг ўтимлилиги билан боғлиқ экан. Демак, у синтактик алоқа эмас, балки лексик алоқадир.

Биз танлаган мавзуда, А.М.Мухин томонидан ишлаб чиқилган 7 та – ядро предикатив, субординатив, координатив, ноядровий предикатив, нолга тенг предикатив, интродуктив ва аппозитив синтактик алоқалардан 5 таси, яъни ядро предикатив, субординатив, координатив, ноядровий предикатив ва аппозитив синтактик алоқалар базасида валентлик назариясига аниқлик киритишни мақсад қилдик. Диссертациямизда синтактик валентлик синтактик алоқалар сонидан келиб чиқиб аниқланади, яъни гап таркибида ҳар бир синтактик бирлик валентликка эга бўлиши мумкинлиги юнкцион моделлар орқали исботланади.

Тадқиқотнинг иккинчи боби «**Моновалентли ва поливалентли синтактик бирликларнинг гапдаги ўрни**» деб номланиб, унда бир, икки ва уч валентли компонентлар қатнашган содда гаплар юнкцион ва компонент моделлар асосида таҳлил қилиниб, уларнинг гап қурилмасидаги ўрни ва синтактик муносабати ҳамда морфологик хусусиятлари аниқланди. Синтактик сатҳда компонентларнинг валентлигини аниқлашда гап таркибида иштирок этган синтактик бирликларнинг синтактик алоқалари сони ҳисобга олинади. Агар улар бир синтактик алоқа асосида боғланган бўлса, бир валентли ёки моновалентли компонент дейилади. Агар гап таркибидаги синтактик бирликлар икки ёки уч синтактик алоқалар асосида иштирок этса, улар икки ёки уч валентли ёхуд поливалентли компонентлар деб аталади. Иккинчи бобнинг биринчи бўлими «Бир валентли компонентларнинг гапдаги синтактик ўрни» деб номланиб, унда бадий адабиётлардан йиғилган мисоллар асосида бир валентли компонентлар гап қурилмасида қуйидаги синтактик ўринларда кела олиши аниқланган: 1. Ядро компонентлар ( $NP_1 \cdot NP_2$  – эга ва кесим) ўрнида келган бир валентли синтактик бирликлар; 2. Ноябрьровий тобе ( $\bar{ND}$  – иккинчи даражали бўлақ) компонент ўрнида келган бир валентли синтактик бирликлар.

Куйидаги мисол орқали ҳар учала синтактик ўринда келган бир валентли синтактик бирликларни юнкцион ва компонент моделлар асосида таҳлил қиламиз:

	Ю.М.1
<i>Walter's death had been a shock to her (SM, 202).</i>	$\overline{ND} \cdot \overline{NP}_1 \cdot \overline{NP}_2 \cdot \overline{ND}$ К.М.1 Sps    S        cS    prPnob

Мазкур гап қурилмасида ҳар бир синтактик бирлик бир валентли компонент ҳисобланади, чунки улар биттадан синтактик алоқага киришган. Ядро компонентлар – ядро предикатив 1 ( $\overline{NP}_1$  – эга) ўрнида келган *death*, ядро предикатив 2 ( $\overline{NP}_2$ ) ўрнида келган *had been a shock* синтактик бирликлар ўзаро ядро предикатив алоқа асосида боғланади. Ноядровий тобе ( $\overline{ND}$ ) компонент ўрнида келган синтактик бирликлар *Walter's* ва *to her* ҳам бир валентли компонентлар бўлиб, ядро предикатив 1 ( $\overline{NP}_1$ ) – *death* ва ядро предикатив 2 ( $\overline{NP}_2$ ) – *had been a shock* синтактик бирликлар билан субординатив алоқа асосида боғланган. Ядро предикатив 1 ( $\overline{NP}_1$ ) ва ядро предикатив 2 ( $\overline{NP}_2$ ) ўрнида келган синтактик бирликлар тобе компонентларга нисбатан ҳоким ёки таянч компонентлар ҳисобланади. Таҳлил қилинган гапнинг компонент модели куйидагича ифодаланади:  $\overline{ND}$  ўрнида келган синтактик бирлик *Walter's* – (Sps) қаратқич келишикдаги от билан,  $\overline{NP}_1$  ўрнидаги *death* – (S) бош келишикдаги от,  $\overline{NP}_2$  ўрнидаги *had been a shock* – (cS) боғлама феъл ва от,  $\overline{ND}$  ўрнидаги *to her* – (prPnob) предлог ва объект келишигидаги кишилиқ олмоши билан ифодаланган.

Куйида келтирилган мисолдаги ноядровий тобе компонентларни тушириб қолдириш трансформация ёрдамида аниқлаш мумкин:

*Walter's death had been a shock to her* → ...*death had been a shock*...

Ноядровий тобе компонентларни тушириб қолдирсак ҳам, гапнинг асосий мазмуни сақланади. Бироқ, ядро компонентларни тушириб бўлмайди:

*Walter's death had been a shock to her* → *Walter's ... had been a shock to her.* → *Walter's death ... to her.*

Трансформация ҳосиласидан кўриниб турибдики, ядро компонентлар тушириб қолдирилса, гап мазмуни тушунарсиз бўлиб қолади. Шунингдек, мазкур бўлимда тобе компонентларнинг нафақат ҳоким бўлақларга, балки иккинчи бир тобе бўлақка нисбатан ҳам субординатив алоқа асосида боғланишини таҳлил қилдик.

Иккинчи бобнинг «Икки валентли компонентларнинг гапдаги синтактик ўрни» номли иккинчи бўлимнинг куйидаги олтита ички бандларида икки валентли синтактик бирликлар тавсиф ва тадқиқ қилинган:

1. Ноядровий тобе предикатив 1 компоненти ўрнида ( $\overline{NDP}_1$ ):

*I don't like people laughing at me (MHC, 56).*

2. Ядро икки қарра предикатив 1 компоненти ўрнида ( $\overline{NP}_1P_1$ ):

*The old man was bound to object (RGH, 66).*

3. Уюшиқ ядро предикатив 2 компоненти ўрнида ( $\overline{HNP}_2$ ):

*Mrs. Shears came over and cooked supper for us (MHC, 37).*

4. Уюшиқ ноядровий предикатив 2 компоненти ўрнида ( $\overline{HNP}_2$ ):

*I didn't want him to get cold and die* (MHCI, 159).

5. Уюшиқ ядро предикатив 1 компоненти ўрнида (HNP<sub>1</sub>):

*Charlotte and Ursula watched the broadcast together* (RGH, 317).

6. Уюшиқ ноядровий тобе компонент ўрнида (HND):

*You can't stop twisting and scheming* (RGH, 280).

Гап таркибида *ноядровий тобе предикатив 1* ( $\bar{NDP}_1$ ) компонентини бундай номлашимизга сабаб, у тобе ва ноядровий предикатив алоқаларга киришади ва шу туфайли икки валентли компонент ҳисобланади. Ноябрьровий предикатив алоқа гапнинг асоси (эга ва кесим) бўлмаган синтактик бирликлар ўртасидаги алоқа бўлиб, инглиз тили анъанавий грамматикаларда, хусусан, рус инглизшунослари томонидан яратилган грамматикаларда «объектив предикатив қурилма»лардаги от ёки олмош ва феълнинг шахссиз шакли ўртасидаги алоқага нисбатан қўлланилган<sup>14</sup>. Ушбу объектив предикатив қурилмаларга ажралмас бир синтактик бирлик сифатида қаралиб, улар мураккаб тўлдирувчи вазифасини бажаради, дея талқин қилинмоқда. Бироқ бундай қурилма таркибидаги биринчи компонент гапнинг кесими билан тобе ва феълнинг шахссиз шакли билан ноядровий предикатив алоқага киришиши ушбу бўлимда ўз исботини топди.

*He could make them think*

	Ю.М.2	$\bar{NP}_1 \cdot \bar{NP}_2 \cdot \bar{NDP}_1 \cdot \bar{NP}_2$ К. М.2 Pnp mVinf Pnp Vinf
--	-------	-----------------------------------------------------------------------------------------------

Мазкур гапнинг юнкцион моделида  $\bar{NDP}_1$  ўрнидаги *them* компоненти *could make* билан субординатив ( $\leftarrow$ ), *think* элементи билан ноядровий предикатив ( $\leftrightarrow$ ) алоқага киришиши акс эттирилган. Компонент моделда эса гап таркибидаги ҳар бир бўлакнинг морфологик хусусиятлари ёритиб берилган. *Уюшиқ ноядровий предикатив 2 компоненти* ( $H\bar{NP}_2$ ) худди шундай қурилмалардаги феълнинг шахссиз шакллари ўрнида уюшиб келади ва икки синтактик алоқа: ўзаро координатив ва  $\bar{NDP}_1$  ўрнидаги синтактик бирлик билан ноядровий предикатив алоқага киришганлиги учун икки валентли компонент ҳисобланади.


*Ядро икки қарра предикатив 1 компоненти ўрнида* ( $NP_1P_1$ ) келган синтактик бирлик юқорида таъкидланган грамматикалардаги «субъектив предикатив қурилма»ли гапнинг эгаси вазифасини бажарадиган бўлак ҳисобланади.  $NP_1P_1$  компоненти гапнинг кесими билан ядро предикатив, феълнинг шахссиз шакли билан эса ноядровий предикатив алоқага киришганлиги учун икки валентли синтактик бирлик бўлиши содда гапларнинг юнкцион ва компонент моделлари асосида аниқланди.

Уюшиқ ядро предикатив 1 (HNP<sub>1</sub>), уюшиқ ядро предикатив 2 (HNP<sub>2</sub>) ва уюшиқ ноядровий тобе ( $\bar{HND}$ ) компонентлари ҳам икки валентли эканлиги мисолларнинг юнкцион моделлари базасида исботланди. Уюшиқ бўлақлар ҳеч қачон бир валентли бўлолмади, чунки улар ўзаро координатив алоқага киришиб, биргаликда бошқа синтактик бирлик билан иккинчи синтактик алоқада бўлади, хусусан, HNP<sub>1</sub> ва HNP<sub>2</sub> ўрнидаги синтактик бирликлар координатив ва ядро предикатив, HND компонентлар – координатив ва субординатив алоқаларга эга

<sup>14</sup> Винокурова Л.П. Грамматика английского языка. – Ленинград: Учпедгиз, 1954. – С.172-173.

бўлиши юнкцион модел, трансформация таҳлиллари асосида исботланди. Қуйидаги содда гап таҳлили орқали уюшиқ ядро предикатив 2 ( $HNP_2$  - кесим) ўрнида келган икки валентли синтактик бирликларни юнкцион ва компонент моделларда аниқлаймиз:

*The Treasure Trove was closed and was not expected to open (RGH, 161).*

	Ю.М.3	$\frac{NP_1 \cdot \underline{HN}P_2 \cdot \underline{HN}P_2 \cdot \overline{ND}}{S \quad auxVp_2 \quad auxngVp_2 \quad Vinf} \quad \text{К.М.3}$
-----------------------------------------------------------------------------------	-------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

Ушбу гапда *was closed* ва *was not expected* компонентлари икки валентли, чунки улар ўзаро координатив ва  $NP_1$  (эга) ўрнидаги компонент *The Treasure Trove* билан ядро предикатив алоқа асосида боғланади. Гап таркибидаги бошқа синтактик бирликлар эса бир валентли ҳисобланади. Компонент моделдан  $NP_2$  – (S) от,  $\underline{HN}P_2$  – ( $auxVp_2$ ) ёрдамчи феъл ва асосий феълнинг ўтган замон сифатдош шакли,  $\underline{HN}P_2$  – ( $auxngVp_2$ ) инкор шаклдаги ёрдамчи феъл ва асосий феълнинг ўтган замон сифатдоши,  $\overline{ND}$  – (Vinf) феълнинг шахссиз шакли – инфинитив билан ифодаланганлиги аён бўлади.

Иккинчи бобнинг «Уч валентли компонентларнинг гапдаги синтактик ўрни» номли бўлимида уч синтактик алоқага киришган компонентлар таҳлил қилинган. Инглиз тили содда гап қурилмасида синтактик бирликлар уч синтактик алоқа асосида иштирок этса, уч валентли компонентлар ҳисобланади. Мавзу юзасидан йиғилган материалларни таҳлил қилиб, уч валентли компонентлар, анъанавий атама билан айтганда, изоҳловчи ўрнида келиши ва уч синтактик алоқа асосида бошқа компонентлар билан боғланиши мумкинлигининг гувоҳи бўлди. В.О.Павловнинг фикрича, улардан бири эксплицит тарзда (бевосита) аппозитив синтактик алоқа ёрдамида боғланса, қолган икки хил синтактик алоқалар имплицит тарзда (билвосита) намоён бўлади<sup>15</sup>. Имплицит тарзда боғланган синтактик алоқалар ва уларнинг дифференциал синтактик белгиларини трансформация методининг турли хил усулларидан фойдаланиб исботлаш мумкин.

Уч валентли компонентларнинг синтактик ўринлари учта ички бандларда акс эттирилган:

1. Гап қурилмасида *ноядровий тобе аппозитив предикатив 1* ( $\overline{N}AP_1$ ) ўрнида келган уч валентли элементлар таҳлил қилинганда, улар гапнинг ядро предикатив 1 компоненти ( $NP_1$  – эгага) бевосита аппозитив алоқа асосида боғланса, билвосита ядро предикатив 2 ( $NP_2$  – кесим) ва ядро предикатив 1 ( $NP_1$ ) компонентлари билан ядро предикатив алоқага кириши маълум бўлди. Демак, *ноядровий* аппозитив предикатив 1 ( $\overline{N}AP_1$ ) компоненти битта аппозитив ва иккита ядро предикатив алоқа асосида боғланиш хусусиятига эга эканлиги туфайли уч валентли ҳисобланади. Буни қуйидаги мисол таҳлили асосида кўргазмали ифодалаймиз:

<sup>15</sup> Павлов В.О. Об имплицитности валентности прилагательных.// Герценовские чтения. Иностранные языки. Материалы конференции. – СПб.: Образование, 1994. – С.18-24.



*Wouldn't you agree, Miss Ladram?* гапда *Miss Ladram* ноядровий аппозитив предикатив 1 ( $\overline{NP}_1$ ) компоненти ўрнида келган. Ушбу гапнинг юнкцион ва компонент моделларини қуйидагича изохлаш лозим бўлади:

	Ю.М.4	$\frac{NP_1 \cdot NP_2 \cdot \overline{NP}_1}{Pnp \quad Vf \quad S}$	К.М.4
--	-------	----------------------------------------------------------------------	-------

Мазкур гапда *Miss Ladram* синтактик бирликнинг уч валентли компонент эканини трансформация методи асосида қуйидагича изохлаймиз:

(4) *Wouldn't you agree, Miss Ladram?* → (4a) *you are Miss Ladram.*

	Ю.М.4a	$\frac{NP_1 \cdot NP_2}{Pnp \quad cS}$	К.М.4a
--	--------	----------------------------------------	--------

Демак, ушбу гап таркибида  $\overline{NP}_1$  компоненти ўрнида келган *Miss Ladram* ядро предикатив 1 компоненти ўрнида келган *you* синтактик бирлик билан эксплицит тарзда аппозитив алоқа ёрдамида боғланса, имплицит тарзда ядро предикатив алоқага киришади. Шунингдек, имплицит тарздаги учинчи ядро предикатив алоқани аниқлаш мақсадида трансформация методининг ўрин алмаштириш усулидан фойдаланилганда ядро предикатив 1 ( $\overline{NP}_1$ ) ўрнида келган *you* компоненти билан ноядровий аппозитив предикатив 1 ( $\overline{NP}_1$ ) компоненти ўрнида келган *Miss Ladram*ни алмаштириш имконияти юзага келади:

(4) *Wouldn't you agree, Miss Ladram?* → (4б) *Wouldn't Miss Ladram agree?*  
 трансформация натижасида қуйидагича кўриниш касб этади:

(4б) *Wouldn't Miss Ladram agree?*

	Ю.М.4б	$\frac{NP_1 \cdot NP_2}{auxngS \quad Vf}$	К.М.4б
--	--------	-------------------------------------------	--------

2. *Ноядровий аппозитив тобе ( $\overline{NAD}$ ) компонент ўрнида келган уч валентли элементлар.* Гап таркиби компонентларга ажратиб таҳлил қилинганда маълум бўлдики, уч валентли ноядровий аппозитив тобе компонентлар асосан атоқли отлар билан ифодаланади. Ундан ташқари, ноядровий аппозитив тобе компонент ўрнида келган синтактик бирликларнинг уч валентли бўлиши эксплицит тарзда аппозитив алоқа ёрдамида содир бўлса, субординатив ва ядро предикатив алоқалари эса имплицит тарзда боғланиши трансформация методининг айрим усуллари ёрдамида кузатилди.

3. *Уюшиқ ноядровий тобе предикатив 2 ( $\overline{HNDP}_2$ ) компоненти ўрнида келган уч валентли элементлар.* Бадиий адабиётлардан йиғилган мисолларнинг таҳлилий натижасига кўра, уч валентли компонентлар гап қурилмасида уюшиқ ноядровий тобе предикатив 2 ( $\overline{HNDP}_2$ ) компоненти ўрнида келганда, ўзаро координатив алоқада бўлиб, бошқа компонентлар билан яна иккита синтактик алоқа асосида боғланиши мумкинлигининг гувоҳи бўлдики. Гап таркибини компонентларга ажратиб таҳлил қилиш асосида уюшиқ ноядровий тобе предикатив 2 ( $\overline{HNDP}_2$ )

компоненти ўрнида келган синтактик бирликлар эксплицит тарзда координатив, субординатив ҳамда ноядровий предикатив алоқалар асосида боғланиши исботланди. Натижада ядро икки карра предикатив 1 ( $NP_1P_1$ ), ядро предикатив 2 ( $NP_2$ ), уюшиқ ноядровий тобе предикатив 2 ( $H\bar{N}DP_2$ ) компонентлар аниқланди. Уларнинг морфологик ифодаланиш усуллари турли-тумандир, улар тенг ва айирувчи боғловчилари ёрдамида боғланиши мумкин. Бундай гап қурилмаларида ядро предикатив 1 ўрнида келган синтактик бирликлар ҳар доим икки валентли бўлади. Чунки ядро предикатив 1 ( $NP_1$ ) компоненти ядро предикатив 2 ( $NP_2$ ) компоненти билан ядро предикатив, уюшиқ ноядровий тобе предикатив 2 ( $H\bar{N}DP_2$ ) компонентлари билан ноядровий предикатив алоқага киришади.

Учинчи боб «Содда гап қурилмаларида моновалентли ва поливалентли компонентларнинг синтаксем таҳлили» деб номланиб, аввалги бобларда аниқланган ўринларда келувчи моновалентли ва поливалентли компонентлар иштирок этган гаплар синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилинган. Компонентларга ажратиб таҳлил қилиш гапларнинг ташқи, синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилиш эса ички қурилмасини қамраб олади. Аммо гапнинг ташқи ва ички (*surface and deep structure*) қурилмасини айрим тилшунослар трансформациянинг турли усуллари ёрдамида таҳлил қилишга ҳаракат қилади: «*The surface structure*» деганда *the boy is sleeping* гап варианты тушунилса, «*The deep structure*» деганда *Is the boy sleeping?* сўроқ шакли тушунилади<sup>16</sup>. Бундай таҳлилда гапнинг формал томонлари эътиборга олиниб, уларни бевосита иштирокчиларга ажратиб таҳлил қилиш билан чекланади. Мазкур боб гапнинг ички қурилмасидаги синтактик бирликларнинг синтактик сатҳда семантикасини аниқлашдан иборатдир. Ушбу масалани тадқиқ этишда А.М.Мухин яратган лингвистик методлардан, Ў.Усмоновнинг фикрларидан унумли фойдаланилгани ўз самарасини берди.

Моновалентли ва поливалентли синтактик бирликлар иштирок этган гапларни синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилишда, асосан, категориал дифференциал синтактик-семантик белгилардан субстанциаллик (шахс ёки предметни ифодаловчи синтактик бирлик), процессуаллик (иш ҳаракатни ёки ҳолатни ифодаловчи синтактик бирлик) ҳамда квалификативлик (сифат, ҳажм, миқдор, даража, ҳолат кабиларни ифодаловчи синтактик бирлик), нокатегориал синтактик-семантик белгилардан агентивлик, объект, акционаллик, локативлик, аллативлик, директивлик каби атамалардан фойдаланилди. Мазкур таҳлил асосида ҳар бир синтактик бирликнинг синтактик ўрнига кўра ифодалаган синтаксемалари, уларнинг категориал ва нокатегориал белгилари ва бошқа синтаксемалар билан боғланиш имкониятлари очиб берилган.

Учинчи боб учта бўлимдан ташкил топган. «Бир валентли компонентларнинг синтаксем таҳлили» номли биринчи бўлимда ядро предикатив 1, ядро предикатив 2 ва ноядровий тобе компонентлар ўрнида келувчи бир валентли синтактик бирликлар ифодалаган синтаксемалар ва уларнинг бирикиш имкониятлари ёритиб берилди. Таҳлил натижасига кўра юқорида таъкидланган ўринларда келган бир

<sup>16</sup> Chomsky N. Deep Structure, Surface Structure and Semantic Interpretation // In Stainberg and Jacobits. 1971. – P. 183-216.; en.m.wikipedia.org/wiki/Deep\_structure\_and\_surface\_structure (December, 2017).

